

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА НОДИРА БАХТИЯРОВНА

ТУРЛИ ТАРКИБДАГИ КОСТЮМБОП ТЎҚИМАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ
УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Юсупова Нодира Бахтияровна

Турли таркибдаги костюмбоп тўқималарни лойиҳалаш усулини
ишлаб чиқиш 3

Юсупова Нодира Бахтияровна

Разработка метода проектирования костюмных тканей
различных структур..... 21

Yusupova Nodira Baxtiyarovna

Development of a method of designing suit fabrics of different
compositions..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА НОДИРА БАХТИЯРОВНА

**ТУРЛИ ТАРКИБДАГИ КОСТЮМБОП ТЎҚИМАЛАРНИ
ЛОЙИҲАЛАШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фаълари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T246 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хамрасва Сановар Атоевна техника фаълари доктори, доцент
Расмий ошпоенглар:	Набиева Ирода Абдусаматовна техника фаълари доктори, профессор
	Валиев Гулям Набиджанович техника фаълари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик-технология институтини

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “25” 11 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Яққасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси-5, (+99871)-253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titli_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (85 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон кўчаси-5, тел. (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил “16” _____ ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил “13” _____ 11 _____ даги 85-рақамли реестр баённомаси).



Б.О.Онорбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Э.Гуламов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Ш.Ш.Ҳакимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда турли таркибдаги тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда физик-механик хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, костюмбоп тўқималарнинг физик-механик хусусиятларини яхшилаш учун белгиланган параметрлар бўйича лойиҳалашни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан АКШ, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Ўзбекистон ва бошқа ривожланган мамлакатларда турли таркибдаги тўқимачилик маҳсулотларнинг физик-механик хусусиятларини яхшилашга ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹.

Жаҳонда тайёр сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштириш, уларни илмий асосларини яратиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан тўқима сифати ва рақобатбардошлигини оширувчи самарали технологиясини яратиш, тўқима кўрсаткичларини оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқиш, тўқимачилик корхоналарида юқори самарали техник воситалари ва технологияларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, пахта толали ипларнинг шаклланишигача нотекисликни бартараф этиш учун самарали технология яратиш, тўқимачилик маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини янада оширишни таъминлайдиган йигирилган ипларни тайёрлаш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, истеъмолчиларни сифатли тўқималар билан таъминлаш мақсадида пилталаш машинасининг чўзиш мосламаси цилиндрининг янги конструкциясини яратиш асосида сифатли ип олиш ва турли таркибли тўқималарни лойиҳалашни ишлаб чиқиш ҳисобига рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда тўқимачилик маҳсулотлари сифатини, рақобатбардошлигини, жумладан тўқима сифатини яхшилашга, хомашёни тайёр маҳсулот ҳолатигача комплекс қайта ишлашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»² вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан маҳаллий хомашёлардан самарали ва тўлиқ фойдаланиш ва юқори, кўшимча қийматли, тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж

¹ <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

махсулоти тайёрлашга мўлжалланган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластер моделини амалга ошириш ҳисобига импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп, рақобатбардош, сифатли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон ва “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг “Энергетика, энергия ва ресурс – тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Яқка ишларнинг нотекислигини камайтириш, уларни ип сифатига таъсирини ва хоссаларини ўрганиш бўйича илмий йўналишни ривожлантиришга В.А.Усенко, А.Г.Севостьянов, Г.Н.Кукин, Х.А.Алимова, Р.З.Бурнашев, К.Ж.Жуманиязов, Қ.Гафуров, М.Қ.Кулметов, С.Л.Матисмаилов ва бир қатор илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган.

А.А.Мартынова, С.Д.Николаев, Р.И.Сумарокова, Э.А.Оников, Э.Ш.Олимбоев, А.Д.Даминов, П.С.Сиддиқов, Ғ.Валиев, О.А.Ахунбабаев, С.А.Хамраева, С.С.Рахимходжаев, Б.К.Хасанов, Д.Н.Қодирова, Б.Х.Баймуратов ва бошқалар ўз изланишлари билан тўқималарнинг тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш бўйича назарий ва амалий асосларни ёритувчи муаммоларни ҳал этишга ҳиссаларини қўшишган.

Тўқув ишлаб чиқариш соҳасида кўпгина илмий тадқиқот ишлар олиб борилган бўлсада, ушбу изланишларга қадар костюмга мўлжалланган турли таркибли тўқималарни лойиҳалаш жараёнларини такомиллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик технология институти илмий тадқиқот ишлар режасининг ИТД-3-18 “Газламанинг сифат кўрсаткичларини дастлабки баҳолаш билан ипни шакллантириш учун самарали технология ишлаб чиқиш” (2012-2014) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишларнинг нотекислигини камайтириш ва сифатини ошириш асосида турли таркибли костюмбоп тўқималарни лойиҳалашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пилталаш машинасининг чўзиш мосламасини такомиллаштириш орқали йиғирилган ип нотекислигини камайтириш;

тўқималардаги ипларнинг тўқиш жараёнидан кейинги диаметрларини ипларнинг қисқаришига, юза зичлигига, қалинлигига таъсирини асослаш ва уларни ҳисоблаш формулаларини такомиллаштириш;

тўқималарнинг ҳаво ўтказувчанлигини аниқлаш формуласини тўқима хоссалари асосида такомиллаштириш;

таклиф этилган ЭХМ дастурида тўқима ўрилиш усулини олдиндан берилган параметрлар асосида танлаш;

ишлаб чиқаришга тавсия этилган костюмбоп тўқималарнинг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш.

Тадқиқот объекти турли нисбатдаги аралаш толали иплар, пахта толали якка иплар, пилталаш, йигириш машиналари ва тўқув дастгоҳи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети нотекислик даражаси камайтирилган йигирилган ип олиш, берилган параметрлар асосида юқори сифатли костюмбоп тўқималарни лойиҳалаш услуб ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кўйилган вазифаларни ечишда назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида тўқувчилик технологияси, тўқимачилик материалшунослиги, назарий механика ва амалий математика усуллари ҳамда компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

цилиндрнинг ўйиқ чизиклар йўналиш бурчаклари ўлчами, якка ип нотекислиги орасидаги боғлиқлик аниқланган ва RSB-D-40 пилталаш машинасининг чўзиш мосламаси цилиндрининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

пилталаш машинасининг чўзиш мосламасини такомиллаштириш орқали ип нотекислигини 30% га камайтиришга эришилган;

костюмбоп тўқималардаги ипларнинг қисқариши, тўқиманинг юза зичлиги, қалинлиги тўқиш жараёнидан кейинги диаметрларига боғлиқлиги назарий асосланган;

илк марта ипнинг сиқилиш коэффиценти орқали костюмбоп тўқималарнинг ҳаво ўтказувчанлигини баҳолаш мумкинлиги асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори сифатли йигирилган ип ишлаб чиқариш учун пилталаш машинаси чўзиш асбобининг цилиндрлари такомиллаштирилган, ишлаб чиқаришда синовдан ўтказилган;

пахта ва полиэфир толалари асосида талаб этилган хоссали костюмбоп тўқималарни белгиланган параметрлар бўйича лойиҳалаш дастури ишлаб чиқилган;

тўқима ўрилиш усулини олдиндан берилган параметрлар асосида танлаш ЭХМ дастури таклиф этилган;

экспериментал тадқиқот натижаларини ЭХМда қайта ишлаш учун дастур яратилган;

белгиланган параметрларни лойиҳалаш асосида турли таркибдаги костюмбоп тўқима намуналари ишлаб чиқариш шароитида олинган ва уларнинг сифат кўрсаткичлари комплекс баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда шакллантирилган илмий ҳолатлар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларининг бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш критерийларига кўра ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқиладиган соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Пилталаш жараёнида толаларнинг бир текисда жойлашиши натижасида ипларнинг нотекислигини камайтиришга, иплардан сифатли костюмбоп тўқималар ишлаб чиқаришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Турли толали ипларнинг нотекислигини камайтириш, костюмбоп тўқималарни лойиҳалаш, олдиндан белгиланган хоссали мато ишлаб чиқариш усул ва дастурларини асослаш ўтказилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ипнинг нотекислигини камайтириш орқали ип ва тўқима сифатини яхшилаш, ҳамда турли таркибдаги костюмбоп тўқималарни лойиҳалаш асосида:

якка пахта ипларининг нотекислигини бартараф этиш ва сифат кўрсаткичларини ошириш мақсадида пилталаш машинасида янги чўзиш асбобидаги цилиндрлар такомиллаштирилиб Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патент олинган (FAP №01306); Натижада ипнинг нотекислиги 30% га камайишига эришилган;

нотекислиги камайтирилган иплардан турли таркибли костюмбоп тўқимани лойиҳалаш “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тасарруфидаги Бухоро вилоятидаги “ARK EKO TEKSTIL” МЧЖ, “Deluxe Fabric” МЧЖ корхоналарида тадбиқ этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 22 июндаги № 04/18-1589-сон маълумотномаси). Натижада сифат кўрсаткичи 9-15% га яхшиланиши, юқори сифатли ва янги ассортиментдаги тўқималарни тезкор усулда лойиҳалаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 17 та илмий – техник анжуманларда, шу жумладан 6 та халқаро, 11 та Республика илмий анжуманларида ва 3 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 5 таси ҳорижда нашр этилган, 1 та фойдали моделга ва 3 та дастурий таъминотга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган, адабиёт манбаларининг таҳлилига бағишланган бўлиб,

хусусан тўқувчилик технологиясини такомиллаштириш, тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини яхшилашга бағишланган кўплаб олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи ва масалаларнинг қўйилиши”** деб номланган биринчи бобида ип нотекислигига таъсир этувчи омиллар ва толаларнинг тўғриланиши, ҳамда паралелланиши даражасини аниқлаш бўйича, шунингдек костюмбоп тўқималарни, тўқима хоссаларини аниқлаш бўйича дунё ва маҳаллий илмий-тадқиқот натижаларининг аналитик таҳлиliga бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган.

Илмий манбаларни ўрганиш ва таҳлилин қилиш натижасида пилталаш машинасининг чўзиш мосламаси цилиндрлари конструкциясига боғлиқлиги, олдиндан сифат кўрсаткичлари белгиланган тўқималарни лойиҳалаш етарли даражада ўрганилмаганлиги хулоса қилиниб, тадқиқот вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Костюмбоп тўқималарни белгиланган омиллар бўйича назарий лойиҳалаш”** деб номланган иккинчи бобида костюмбоп тўқималарнинг тузилиши ва белгиланган хусусиятлари бўйича лойиҳалаш натижалари келтирилган.

Костюмбоп тўқималарни ишлаб чиқаришда истеъмолчилар талаби бўйича дастлаб тўқимани белгиланган параметрлар бўйича лойиҳалаш асосланган ва (“Костюмбоп тўқималарни белгиланган параметрлар бўйича лойиҳалаш” DGU № 2019 1600) лойиҳалаш усули учун дастури яратилди.

Костюмбоп тўқималарнинг тузилишини унинг қалинлиги бўйича лойиҳалашда проф. Э.А.Оников усулидан фойдаланилган ҳолда лойиҳалаш такомиллаштирилган, ишлаб чиқаришда тўқиманинг қалинлигини назарий ҳисоблаш орқали сифатли тўқима ишлаб чиқариш имкони яратилган. Тўқимани қалинлик бўйича лойиҳалашда ипнинг тўқишдан кейинги диаметрини инобатга олиб, ундаги ипларнинг эгилиш тўлқин баландлиги ва таянч сирти баҳоланган.

Арқоқ сиртли тўқима учун тўқиманинг қалинлиги қуйидагича аниқланган:

$$B_a = h_a + d_a^I \quad (1)$$

танда сиртли бўлса,

$$B_t = h_t + d_t^I \quad (2)$$

тенг сиртли бўлганда эса:

$$B_r = h_t + h_a = d_t^I + d_a^I \quad (3)$$

бу ерда h_t, h_a - танда ва арқоқ ипларнинг эгилиш тўлқин баландлиги, мм;
 d_t^I, d_a^I тўқимада танда ва арқоқ ипларининг тўқилиш жараёнидан кейинги тахминий диаметри, мм.


Тўқишдан кейинги ипнинг диаметри қуйидагича:

$$d_t^I = K \cdot d_t ; \quad d_a^I = K \cdot d_a \quad \text{топилган.}$$

бу ерда K -сиқилиш коэффициентини; d_t, d_a - танда ва арқоқ ипларининг тўқишгача диаметри, мм. Ипларни сиқилиш коэффициентини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$K = \frac{h_t + h_a}{d_t + d_a} \quad (4)$$

Тўқиш жараёнида тўқимада ипларнинг ўрилиши нафақат тўқишдан кейинги иплар диаметрига, балки тўқимада ипларнинг қисқаришига ҳам таъсир қилади. Шунинг учун костюмбоп тўқималарни ундаги ипларнинг қисқариши бўйича лойиҳалаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қисқариш тўқимада белгиланган масофада суғуриб олинган тўлқинсимон ипни текислаш орқали, ип билан матонинг узунликлари орасидаги фарқ %ни англатади. Бу экспериментал усул ҳисобланади. Назарий усул орқали ипларнинг қисқариши формуласи яратилган ва илмий асосланган.



1-расм. Тўқимадан суғуриб олинган ипнинг тўлқинсимон шакли

ABC иплар тўлқинсимон кўринишда ва текислангани $C=C^1$ гача кўрсатилган. BC $0,5 L_t$ га тенг. Агар битта тўлқин узунлигини L_t деб олсак, ABC га тенглиги, $0,5 \cdot L_t = 0,5 \cdot L_n \cdot \cos \beta$ га тенг бўлганлиги инобатга олиниб, мавжуд формула такомиллаштирилган ва илмий асосланган. Костюмбоп тўқималарни ундаги ипларнинг қисқариши бўйича лойиҳалашда назарий ҳисоблаш учун қуйидаги формула келтириб чиқарилди:

$$a' = \frac{100 \cdot (2 - \cos \alpha)}{n} \quad (5)$$

бу ерда n - 100 ммга тўғри келадиган тўлқинлар сони; $\cos \alpha$ - тўқимадан суғириб олинган тўлқинсимон ипни нормал куч таъсирида текисланишдаги бошланғич эгилиш бурчаги.


Эгилган тўлқинсимон ипнинг бошланғич эгилиш бурчаги ўққа нисбатан қуйидагича топилади.

$$\cos \alpha = 1 - \frac{L_n}{100}$$

(6)

бу ерда L_n - текисланган тўлқинсимон ипни бошланғич узунлиги, мм.

Костюмбоп тўқималарни лойиҳалашда юза зичлиги асосий омил ҳисобланади. Саржа 3/1 костюмбоп тўқимани юза зичлигини тўқишдан кейинги ипларнинг диаметрларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш учун қуйидагилар ҳисобланди (1-расм).



2-расм. Саржа 3/1 ўрилишли тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича кесилмаси

Бунда: l_{t1} - бир ўрилиш рапорти масофасидаги танда бўйича тўқима узунлиги, мм; l_{a1} - бир ўрилиш рапорти масофасидаги арқоқ бўйича тўқима узунлиги, мм;

Тўқиманинг сирт зичлигини қуйидагича топилди:

$$M_{m^2} = \frac{10 \cdot P_t \cdot T_t}{1000(1 - 0,01 \cdot a_t)} + \frac{10 \cdot P_a \cdot T_a}{1000(1 - 0,01 \cdot a_a)}, \text{г/м}^2 \quad (7)$$

Тўқиманинг зичлиги қуйидаги формула орқали топилди:

$$P = \frac{100 \cdot R}{L_R}, \text{ун/10см} \quad (8)$$

Бир ўрилиш рапорти -R масофасидаги тўқима узунлиги:

$$L_R = L_{Rt} + L_{Ra} = (l_{t1} + l_{t2}) + (l_{a1} + l_{a2}), \text{мм}$$

танда бўйича $l_{t1} = A_t B_t = d'_t + d'_a, \text{мм}; l_{t2} = A_t C_t = 2d'_a, \text{мм}$

арқоқ бўйича $l_{a1} = A_a B_a = 2d_t, \text{мм}; l_{a2} = B_a C_a = d'_t + d'_a, \text{мм}$

бунда, d'_t, d'_a - тўқишдан сўнг танда ва арқоқ ипларнинг диаметри:

$$d'_t = K \cdot d_t, \text{мм}; \quad d'_a = K \cdot d_a, \text{мм} \quad (9)$$

бунда, K-ипнинг (эзилиш) сиқилиш коэффиценти 0.702 га тенглиги аниқланди.

Костюмбоп тўқималарни юза зичлиги, танда ва арқоқ ипларининг чизикли зичлиги, тўқишдан кейинги диаметри ҳаво ўтиш даражасига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун костюмбоп тўқималарни белгиланган ҳаво ўтказувчанлик хусусияти бўйича лойиҳалаш тўқиманинг қуйидаги тузилиш ўлчамларини инобатга олган ҳолда аниқланди.

Тўқиманинг масса тўлиқчилиги: $E_m = \frac{\delta_i}{\delta_{ip}} \cdot 100, (\%)$

бу ерда: δ_{ip} δ_i - ип ва тўқиманинг ҳажмий массаси, мг/мм³, $\delta_i = \frac{M}{B \cdot L \cdot b}$

M-нуқтали намуна массаси, г/м²; L- намуна узунлиги, мм; b- намунанинг қалинлиги, мм.

Умумий ғоваклик F_m -(барча ип ва толалар орасидаги) ғовакликлар улушини кўрсатади: $F_m = 100 - E_m, \%$

Умумий ғоваклик F_m ни F_1 деб белгилаймиз.

У ҳолда тўқиманинг ҳаво ўтказувчанлигини қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$V = V / F \cdot t = V / (F_1 + F_2) \cdot t = V / [(F_1 \cdot k_1 + F_2 \cdot k_2) \cdot t] \quad (10)$$



бу ерда V- ҳавонинг ўтиши, дм³; F- намуна майдони, м²; t - вақт, сек, F_1 -намуна тўқиманинг ғоваклик майдони, см²; F_2 -намуна тўқимани ип билан тўлдирилганлик майдони, см²; k_1 -ғоваклик коэффиценти, %; k_2 -ип билан тўлдирилганлик коэффиценти,%. Тўқиманинг ғоваклиги, ундаги танда ва арқоқ бўйича ипларнинг чизикли зичлиги ёки ипларнинг диаметрлари билан тавсифланади. Ўтказилган назарий тадқиқот натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал



Костюмбоп тўқима саржа 3/1	$F_1, \text{см}^2$	$F_2, \text{см}^2$	k_1	k_2	$B,$ дм ³ · м ² /сек
70% пахта 30% ПЭ	25,3	74,7	0,253	0,747	113,8
100% пахта	28	72	0,28	0,72	214,4
60% пахта 40% ПЭ	16	84	0,16	0,84	99,7

Тўқимадан ҳавони ўтишини яхшилаш ундаги ипларнинг диаметри (чизикли зичлиги) бош мезон ҳисобланади ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган бошқа омилларни (ўрилишини) ўзгартириш талаб этилади.



Костюмга мўлжалланган тўқималарни лойиҳалашда тўқималарнинг сифатини белгиловчи, яъни қайишқоқлиги, мустаҳкамлиги, ҳаво ўтказувчанлиги, ишқаланишга чидамлилиги, ювгандан сўнг ўз ҳолатини йўқотмаслик каби параметрларни инобатга олган ҳолда саржа 4/1 асосида икки қатламли ўрилишда пахта, полиэфир ва бошқа аралаш толали костюмбоп тўқималарни ишлаб чиқаришга тавсия қилинди (3- расм).



a)



b)



v)

3-расм.Саржа 4 /1 асосида икки қатламли тўқималарнинг ўрилиши:


a- “пастдан-тепага” боғлаш усули; б- “тепадан пастга” боғлаш усули; в- “аралаш” боғлаш усули.

Диссертациянинг “Пилталаш машинасининг чўзиш мосламасидаги цилиндрларни такомиллаштириш асосида олинган хوماки маҳсулот ва ипларнинг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш” деб номланган учинчи боби RSB-D-40 пилталаш машинасини такомиллаштирилган чўзиш мосламасининг пилта сифатига таъсирини жараён давомида тарам ва пилта нотекислик кўрсаткичларини ўзгаришини тарам ва пилтанинг сифат кўрсаткичларини толаларни текисланиш ориентацияланишига боғлиқлигини ўрганишга бағишланган. Тажрибаларда RSB-D-40 пилталаш машинасини


такомиллаштирилган цилиндрларини тажрибада синалиб, олинган пилтадан G-35 йиғириш машинасида $T_t=29,4$ текс, $T_a=50$ тексли ип ишлаб чиқарилган ва физик-механик кўрсаткичлари аниқланган.

4 ва 5-расмларда RSB-D-40 пилталаш машинасининг чўзиш мосламасидаги цилиндрларининг базали ва такомиллаштирилган тажрибада синалган вариантларини ўлчамлари ва кўриниши келтирилган.

Тадқиқот ишида 2-цилиндрнинг рифланган ўйиқ чизикларини шаклини йўналишини 1 ва 3-цилиндрнинг йўналишига мослаб, ўйиқ чизик йўналиши бурчаклари 4^0 дан $\alpha=4^{\circ},57'$ га ўзгартирилган.



4-расм. RSB-D-40 пилталаш машинасини чўзиш мосламамидаги цилиндрларининг ўлчамлари ва кўриниши (база)



5-расм. RSB-D-40 пилталаш машинасини чўзиш мосламасидаги цилиндрларининг ўлчамлари ва кўриниши (тажриба)


Ярим маҳсулот (пилта) ва ипнинг сифати куйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланган: пилта ва толали пилтачадаги толаларни текисланиш ва параллелланиш даражаси; маҳсулотнинг кесим бўйича нотекислиги: чизиқий ва вариация коэффиценти; узун қирқим бўйича нотекислик: пилта учун -1м, ип учун-100 м; ипнинг ташқи кўриниш нуқсонлари: ингичка, йўғон жойлари, тугунақлар (шишки); ипнинг нисбий узиш кучи ва нисбий узиш кучи бўйича нотекислиги; ипнинг узайиши; йиғириш машиналарида узилишлар сони.

Ярим маҳсулот ва ипнинг сифат кўрсаткичлари ГОСТ 8710-84да берилган стандарт усулда, ҳамда замонавий USTER TESTER-5M ускунасида аниқланган.

Йиғирилган ипларнинг нотекислигини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун йиғиришгача, яъни пилталашдан олинадиган маҳсулотларнинг нотекислигини синаш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Нотекисликни келтириб чиқариш сабабларини, вақтини белгиловчи базали ва такомиллаштирилган чўзиш мосламасини қўллаб, кетма-кет йиғириш режасига мувофиқ 29.4 ва 50 тексли чизиқий зичликдаги иплар олинган, физик-механик хоссалари аниқланган.

Пилталаш машинасининг чўзиш мосламасидаги цилиндрларни такомиллаштириш асосида олинган ипларнинг физик-механик кўрсаткичлари

қуйидаги 6-расмда гистограмма кўринишларида келтирилган. Ипнинг пишиқлиги ортиши ва нотекислигини камайиши йигириш жараёнини барқарорлигини ошириб, йигириш машиналарида узилишлар сонини камайтиради. 1000 та камерага тўғри келадиган узилишлар сони 29,4 тексли ип ишлаб чиқаришда базали вариантда 58 та узилиш бўлса, тажриба вариантда бу кўрсаткич 40 тага, 50 тексли ип ишлаб чиқаришда эса 46 тадан 32 тага узилишлар сони камайган.



6-расм. Турли вариантларда олинган 29,4 ва 50 тексли ипларнинг чизиқий зичлик бўйича вариация коэффиценти ва узилиш кучининг ўзгариши

Асосий тажрибада ишлаб чиқарилган тўқимага иплар сифати таъсирини аҳамиятлилигини баҳолаш учун икки факторли дисперсион таҳлил ўтказилган ва шу асосда тажриба вариантлар орасидаги фарқ тасодифий ёки аниқ тарзда бўлиши таҳлил қилинган. Математик статистик формулалардан фойдаланилган ва қайта ишланган.

СТБ-180-2У тўқув дастгоҳида костюмбоп тўқимани ишлаб чиқариш учун тўлиқ факторли 2 тартибли Рототабел режали эксперимент режаси тузилган. Эксперимент ўтказиш учун кириш параметрлари сифатида ўзаро боғлиқ бўлмаган омиллардан X_1 -танда ипи таранглиги, X_2 -арқоқ ипи таранглиги танланган. Танланган ўзаро боғлиқ бўлмаган 2 та чиқиш параметрлари ва улар чегарасининг интервали учун кодли ва натурал қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Факторлар (кириш омиллари)	Ўзгариш сатҳи					Ўзгариш интервали
	-1,414	-1	0	+1	+1,414	
X_1 -танда ипи таранглиги - F_t , сН	13,0	15,0	20	25	27	5
X_2 - арқоқ ипи таранглиги - F_a , сН	7	9	13	17	19	4

Асосий эксперимент ўтказиш учун ишчи матрица тузилган.


3-жадвал

Тажриба номери	Факторларнинг кодировали қиймати		Факторларнинг натурал қиймати		Тажриба ўтказиш тартиби
	X_1	X_2	F_t	F_a	

1	+	+	25	17	6
2	-	+	15	17	5
3	+	-	25	9	1
4	-	-	15	9	9
5	-1,414	0	13	13	2
6	+1,414	0	27	13	11
7	0	-1,414	20	7	10
8	0	+1,414	20	19	3
9	0	0	20	13	13
10	0	0	20	13	4
11	0	0	20	13	12
12	0	0	20	13	8
13	0	0	20	13	7

Асосий эксперимент “ARK ЕКО ТЕХТИЛ” хорижий корхонасида ўтказилди ва ҳамма эксперимент вариантлари учун факторларнинг берилган қийматлари ўрнатилиб, уч даражали назорат остида олиниб борилган. Танда $T_t = 29,4$ тексли ипи, арқоқ $T_a = 50$ тексли иплардан саржа 3/1 ўрилишда 100% пахта толали, 60% пахта 40% Пэ толали, 70 % пахта 30% Пэ толали иплардан костюмбоп тўқималар ишлаб чиқарилган. Ишлаб чиқарилган намуна тўқималарнинг физик-механик хусусиятлари ТТЕСИ қошидаги “CentexUz” синов лабораториясидаги замонавий асбоб- ускуналарда аниқланган.

Диссертациянинг **“Костюмбоп тўқималарининг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида асосий эксперимент ўтказиш учун иккита боғлиқ бўлмаган кирувчи параметрлар X_1 -танда ипи таранглиги- F_t , сН; X_2 -арқоқ ипи таранглиги- F_a , сН ва ишнинг мақсадини ечишга қаратилган, тўқиманинг сифатини баҳоловчи асосий чиқиш параметрлар сифатида Y_1 -тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича таянч сирти, 1смда; Y_2 -тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича узиш кучи, Н; Y_3 -тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича узишдаги узайиши,%; Y_4 -тўқиманинг ишқаланишга чидамлилиги, цикл; Y_5 -тўқимада ипларни қисқариши,%; Y_6 -тўқимани ҳаво ўтказувчанлиги, $дм^3 \cdot м^2/сек$ сифатида танланган.



7-расм. Турли вариантларда олинган костюмбоп тўқималар кўрсаткичлар эгаллаган юзасининг ўзгариши:

▨ -100% пахта толали;

▣ -60% пахта билан 40% полиэфир толали;

▤ -70% пахта билан 30% полиэфир толали.

Турли ассортиментдаги костюмбоп тўқималарининг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш бўйича олинган натижаларни таҳлил этадиган бўлсак, 100% пахта толали 1-вариантдаги тўқиманинг юзаси 260 ммни, 2-вариантдаги тўқиманинг юзаси 418ммни, 3-вариантдаги тўқиманинг юзаси 610 ммни, 4-вариантдаги тўқиманинг юзаси 208 ммни, 60% пахта ва 40% полиэфир толали 1-вариантдаги тўқиманинг юзаси 265 ммни, 2-вариантдаги тўқиманинг юзаси 342 ммни, 3-вариантдаги тўқиманинг юзаси 592ммни, 4-вариантдаги тўқиманинг юзаси 139 ммни, 70% пахта ва 30% полиэфир толали 1-вариантдаги тўқиманинг юзаси 205ммни, 2-вариантдаги тўқиманинг юзаси 214 ммни, 3-вариантдаги тўқиманинг юзаси 612 ммни, 4-вариантдаги тўқиманинг юзаси 135 ммни ташкил этди. Олиб борилган комплекс баҳолаш натижаларидан 3 хил вариантда олинган костюмбоп тўқиманинг барча кўрсаткичлар бўйича эгаллаган юзаси 6 вариантда юқори эканлиги аниқланган.


Кириш параметрлари сифатида танланган танда ва арқоқ иплари таранглигини ўзгартириш натижасида олинган костюмбоп тўқималарнинг физик-механик хусусияти натижалари қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

100% пахта толали костюмбоп тўқиманинг физик-механик кўрсаткичларига танда ва арқоқ иплари таранглигининг таъсири

Вариантлар	Факторлар қиймати		100% пахта саржа 3/1 костюмбоп тўқима																	
			Таянч сирт нуқталари 10 см да		Иплар зичлиги, 10 см ² р		Тўқиманинг узини кучи, Н		Тўқиманинг узинидаги узайиши,%		Тўқимада ипларнинг қисқариши,%		Тўқиманинг юза зичлиги, g/m ²	Ишқа ланиш-та чидам-лиги, цикл	Ҳаво ўтказувчанлиги, д ³ /м ² сек	Ғивжим ланмаслиги, %	Бикрлиги, мкН ² /см ²		Киришиши, %	
	Х ₁	Х ₂	Танда	Арқоқ	Танда	Арқоқ	Танда	Арқоқ	Танда	Арқоқ	Танда	Арқоқ					Танда буйича	Арқоқ буйича	Танда буйича	Арқоқ буйича
1	+	+	265	156	314	192	777	350	14,4	7,9	11,3	4,7	253,0	15330	179,5	68,9	19678	5011	+2,5	+1,5
2	-	+	300	160	314	192	988	357	17,4	10,4	12,7	5,2	255,5	18700	192,3	70,1	17885	4962	+3,8	+1,5
3	+	-	256	100	314	192	765	499	14,5	8,2	11,4	4,7	255,7	15300	188,4	72,2	18456	4900	+3,0	+3,0
4	-	-	202	108	314	192	688	473	13,2	7,7	10,8	4,2	256,5	14266	165,2	69,6	19234	4880	+2,0	+1,0
5	-1,414	0	285	133	314	192	907	356	16,4	9,6	12,5	5,1	255,0	17400	194,6	68,7	20411	4780	+3,5	+1,5
6	+1,414	0	310	192	314	192	1004	547	18,6	11,17	12,0	5,2	254,2	19500	214,4	70,2	20456	4960	+2,5	+2,0
7	0	-1,414	288	140	314	192	600	524	13,0	7,5	10,7	4,2	257,0	14600	159,8	68,0	20121	4678	+3,0	+1,5
8	0	+1,414	287	124	314	192	893	350	16,2	9,3	12,4	5,1	255,4	16300	191,8	71,0	19456	4890	+2,5	+2,5
9	0	0	270	143	314	192	794	466	15,1	8,5	12,2	5,0	255,3	12500	184,4	72,2	19432	4817	+2,0	+1,5
10	0	0	290	148	314	192	805	460	14,7	8,3	11,5	4,7	254,9	12600	186,2	73,3	18787	4828	+2,5	+2,0
11	0	0	266	140	314	192	886	470	15,7	9,0	12,4	5,0	255,6	12600	185,3	70,4	19763	4892	+3,5	+1,5
12	0	0	280	147	314	192	880	450	15,3	8,6	12,2	5,0	255,5	12700	184,6	72,3	19234	4880	+3,0	+2,5
13	0	0	275	140	314	192	820	451	15,0	8,5	12,1	5,1	256,3	12500	185,5	71,1	1546	4900	+2,5	+1,5

Турли вариантдаги костюмбоп тўқималарининг сифат кўрсаткичлари комплекс баҳоланди ва 6-вариантдаги тўқиманинг натижалари бошқа вариантларга нисбатан сифат кўрсаткичлари юқори эканлиги аниқланган.



8-расм. Костюмбоп тўқималарининг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш диаграммаси

Тадқиқот натижалари бўйича маъқул вариант деб топилган 6 вариантдаги 100% пахта толали костюмбоп тўқиманинг сифат кўрсаткичларига нисбатан 70% пахта ва 30% лавсан толали костюмбоп тўқиманинг танда бўйича узилиш кучи 8,4% га, арқоқ бўйича узилиш кучи 18,4% га ошган, танда бўйича ипларнинг қисқариши 0,9% га, арқоқ бўйича ипларнинг қисқариши 1,9% га камайган, ишқаланишга чидамлилиги 7,5% га ошган, ҳаво ўтказувчанлиги 5,3% га камайган, 60% пахта ва 40% лавсан толали костюмбоп тўқиманинг танда бўйича узилиш кучи 14,7% га, арқоқ бўйича узилиш кучи 26,6% га ошган, танда бўйича ипларнинг қисқариши 1,6% га, арқоқ бўйича ипларнинг қисқариши 1,9% га ошган, ишқаланишга чидамлилиги 10,2% га ошди, ҳаво ўтказувчанлиги 12,0% га камайган.

Асосий экспериментда ишлаб чиқарилган тўқимага иплар сифати таъсирини аҳамиятлилигини баҳолаш учун икки факторли дисперсион таҳлил ўтказилган ва шу асосда тажриба вариантлар орасидаги фарқ тасодифий ёки аниқ тарзда бўлиши таҳлил қилинган.

Чиқиш параметрларининг танланган кириш параметрларига боғлиқлигини таърифловчи математик моделлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y_2 = 837 + 0,395X_1 + 90,79X_2 - 72,0X_1X_2 + 46,96X_1^2 - 57,5X_2^2 \quad (11)$$

$$Y_2 = 459,2 + 53,81X_1 - 63,9X_2 - 8,25X_1X_2 - 29,1X_1^2 - 11,3X_2^2 \quad (12)$$

$$U_4 = 12,602 + 0,079X_1 + 0,858X_2 - 1,1X_1X_2 + 2,644X_1^2 - 1,149X_2^2 \quad (13)$$

U_5 -тўқимада ипларни қисқариши, %;

$$U_5 = 12,08 - 0,19X_1 + 0,525X_2 - 0,5X_1X_2 - 0,01X_1^2 - 0,36X_2^2 \quad (14)$$

$$U_5 = 4,96 + 0,018X_1 - 0,284X_2 - 0,25X_1X_2 - 0,041X_1^2 - 0,21X_2^2 \quad (15)$$

U_6 -тўқимани ҳаво ўтказувчанлиги, $\text{дм}^3 \cdot \text{м}^2/\text{сек}$.

$$U_6 = 7,12 + 0,166X_1 + 0,611X_2 - 0,66X_1X_2 + 1,213X_1^2 - 0,11X_2^2 \quad (16)$$

Регрессия коэффициентларининг аҳамиятга моликлиги Стьюдент мезони билан олинган моделларнинг адекватлиги тўғрисидаги гипотеза Фишер мезони ёрдамида текширилди. Тадқиқот натижалари бўйича оптимал вариант деб топилган 6 вариантдаги 100% пахта толали костюмбоп тўқималарни ишлаб чиқариш учун арқоқ ипининг таранглиги 13 сН, танда ипининг таранглиги 27 сНда ўрнатиш аниқлиги белгиланди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Костюмбоп тўқималарни лойиҳалашни такомиллаштириш бўйича яратилган дастур «ARK EKO TEXTIL» кўшма корхонасида тадбиқ этилди ва иқтисодий самараси ҳисобланган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ БЎЙИЧА УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Пилталаш жараёнидаги чўзиш мосламаини такомиллаштириш асосида иплар нотекислигини 30%га камайтирилганлиги ва ипнинг сифат кўрсаткичи 15% га ошганлиги асосланди.

2. Тўқималарнинг қалинлигини аниқлаш формулалари такомиллаштирилди ва ипларнинг тўқишдан кейинги диаметрини аниқлаш учун унинг сиқилиш коэффициенти топилди. Саржа 3/1 ўрилишли 100% пахта тола таркибли костюмбоп тўқимадаги ипларнинг диаметри тўқишгача танда бўйича 0,273 мм, арқоқ бўйича 0,208 ммни ташкил этган, тўқиш жараёнида ипларнинг сиқилиш коэффициенти ҳисобига ипларнинг диаметри танда бўйича 0,191 мм, арқоқ бўйича 0,146 ммни ташкил этди.

3. Тўқимада ипларнинг қисқаришини ва тўқиманинг зичлигини аниқлаш формулалари такомиллаштирилди, саржа 3/1 ўрилишли тўқимадан суғириб олинган 29,4 тексли тўлқинсимон ипни текислаш динамикасини таҳлили шуни кўрсатадики, назарий ва амалий тарзда аниқлаш натижасида ипни текисланиш ҳолати бўйича қисқариши 5,6% ни ташкил этди ва эгилиш бурчаги $\alpha > 30^\circ$ бурчак остида чегараланиши илмий асосланди.

4. Тўқиманинг зичлигини аниқлаш формуласи такомиллаштирилди, тўқиманинг белгиланган сирт зичлиги $244 \text{ г}/\text{м}^2$ ни ташкил этди.

5. Костюмбоп тўқималарнинг ҳаво ўтказувчанлик хусусиятини аниқлаш учун тўқимани ташкил этадиган ип билан тўлдирилганлик майдони, ғоваклик майдонлари, ғоваклик ва ип билан тўлдириш коэффициентлари инобатга олинган ҳолда ҳаво ўтказувчанлик формуласи такомиллаштирилди

6. Тола таркиби турлича бўлган костюмбоп тўқималарнинг физик-механик хоссалари тадқиқ этилди. Тадқиқот натижаларини оптимал вариант деб

топилган 6 вариантдаги 100% пахта толали костюмбоп тўқиманинг сифат кўрсаткичларига нисбатан солиштирганимизда, 70% пахта ва 30% лавсан толали костюмбоп тўқиманинг танда бўйича узилиш кучи 8,4% га ошди, арқоқ бўйича узилиш кучи 18,4% га ошди, танда бўйича ипларнинг қисқариши 0,9% га камайди, арқоқ бўйича ипларнинг қисқариши 1,9% га камайди, ишқаланишга чидамлилиги 7,5% га ошди, ҳаво ўтказувчанлиги 5,3% га камайди, 60% пахта ва 40% лавсан толали костюмбоп тўқиманинг танда бўйича узилиш кучи 14,7% га ошди, арқоқ бўйича узилиш кучи 26,6% га ошди, танда бўйича ипларнинг қисқариши 1,6% га ошди, арқоқ бўйича ипларнинг қисқариши 1,9% га ошди, ишқаланишга чидамлилиги 10,2% га ошди, ҳаво ўтказувчанлиги 12,0% га камайди.

7. Тола таркиби турлича бўлган костюмбоп тўқималарнинг сифат кўрсаткичлари комплекс баҳоланди.

8. Дисперсион таҳлил бўйича эксперимент натижасида олинган қийматлар бир хил аҳамиятга эга (1 та вариант 10 марта такрорланганда яқин қийматлар олингани маълум бўлган) ва эксперимент тадқиқот натижалари Фишер критерияси бўйича адекватли ҳисобланди, бунда $F_{\text{ҳисоб}} < F_{\text{жадвал}}$ бўлди. Дисперсияли анализ шуни кўрсатадики, эксперимент қийматлари бўйича олинган натижалар бир турилилигини (хиллигини) кўрсатди. Бунда ҳамма ҳолатларда жадвал бўйича қиймат $F_{\text{жадвал}} = 6,59$ га тенг.

9. Тадқиқот ишининг иқтисодий самарадорлиги 1000 пог.метр тўқимага нисбатан ипларнинг сарфига қараб 18495,898 минг сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ЮСУПОВА НОДИРА БАХТИЯРОВНА

**РАЗРАБОТКА МЕТОДА ПРОЕКТИРОВАНИЯ КОСТЮМНЫХ
ТКАНЕЙ РАЗЛИЧНЫХ СТРУКТУР**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2. PhD/ T246.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: **Хамраева Сановар Атоевна**
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Набиева Ирода Абдусаматовна**
доктор технических наук, профессор

Валиев Гулям Набиджанович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «85» 11 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахан-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, аудитория 222, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована №85). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахан-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «16» ноября 2020 года.
(Реестр протокола рассылки № 85 от «13» 11 2020 года).




Б. Онорбоев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


А. Гуламов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Ш. Хакимов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время одним из важнейших вопросов при производстве текстильных изделий различного состава является определение их качественных показателей с учетом их физико-механических свойств. В связи с этим особое внимание уделяется разработке проектирования по установленным параметрам для улучшения физико-механических свойств костюмных тканей. В связи с этим, в том числе в США, Японии, Китае, Южной Корее, Германии, Швейцарии, Индии, Турции, России, Узбекистане и других развитых странах, особое внимание уделяется улучшению физико-механических свойств и качества текстильных изделий различного состава¹.

Во всем мире ведутся широкие научные исследования по совершенствованию техники и технологии производства готовой продукции, созданию их научной базы. Этому направлению уделяется большое внимание, в том числе созданию эффективных технологий, повышающих качество и конкурентоспособность текстиля, разработке методов оптимизации характеристик тканей, созданию высокоэффективных технических средств и технологий на текстильных предприятиях. Поэтому, важно создать эффективную технологию устранения неравномерности перед формированием пряжи из хлопкового волокна, решить вопрос прядения пряжи, что еще больше повысит потребительские свойства текстильных изделий. При этом, для обеспечения потребителей качественными текстильными продуктами одной из важнейших задач является создание конкурентоспособной продукции за счет получения качественной пряжи на основе создания новой конструкции цилиндра вытяжного устройства прядильной машины и совершенствование проектирования костюмных тканей различных структур.

В нашей Республике уделяется большое внимание улучшению качества текстильных изделий. С стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах ставится задача «...повышения конкурентоспособности экономики, сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий...»² Для достижения вышеуказанных целей производства импортозамещающих и экспортно-ориентированных, конкурентоспособных, качественных трикотажных изделий за счет полного эффективного использования местного сырья, осуществления кластерной модели развития, подразумевающей интеграцию производства, ориентированного на изготовление готовой текстильной и швейно-трикотажной продукции с высокой добавленной стоимостью является одной из актуальнейших задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

1. <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira>

2. Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года "О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан".

Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года №УП-4947, в постановление Президента Республики Узбекистан «О программе мер по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017 — 2019 годы» от 21 декабря 2016 года и в постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности» от 12 февраля 2019 г. №ПП-4186, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики по направлению: II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В настоящее время анализируется ряд вопросов, касающихся снижению неравномерности волокон и пряжи, свойств волокон, их влияния на качество пряжи которые рассматривались в работах: С.А.Усенко, А.Г.Севостьянова, Г.Н.Кукина, Х.А.Алимовой, Р.З.Бурнашева, К.Ж.Джуманиязова, М.К.Кульметова и других ученых.

Научно-исследовательская работа по вопросам освещения теоретических и практических основ изучения строения и свойств тканей проводилась следующими учеными: А. А. Мартыновой, С. Д. Николаевым, Р. И. Сумароковой, Е. А. Ониковым, Е. Ш. Алимбаевым, С. А. Хамраевой и др.

Несмотря на то, что в области ткацкого производства было проведено много научно-исследовательских работ, вопросы совершенствования и проектирования тканей для костюмов различного состава изучены недостаточно.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ БухИТ и отражается в проекте: ИТД-3-18 «Разработка эффективной технологии формирования пряжи с предварительной оценкой качественных показателей отделки» (2012-2014).

Цель исследования является совершенствование проектирования смешанного состава костюмной ткани на основе уменьшения неравномерности нитей и повышения качества хлопчатобумажных нитей.

Задачи исследования:

усовершенствование вытяжного прибора в ленточном процессе для производства высококачественной пряжи;

обоснование зависимости поверхностной плотности ткани от диаметра пряжи после формирования ткани и совершенствование формулы определения поверхностная плотность, уработка нитей в ткани, толщина ткани;

совершенствование на основе свойств ткани воздухопроницаемости ткани;

выбор способа переплетений ткачества на предложенной ЭВМ программе на основе заданных параметров ткани;

комплексная оценка качественных показателей костюмных тканей, рекомендованных в производства.

Объектом исследования являются хлопчатобумажные нити, смешанные нити, ровничные машины, прядильные машины, ткацкий станок.

Предметом исследования является получения пряжи с пониженной неравномерностью, методы и средства проектирование костюмных тканей на основе заданных параметров.

Методы исследования. При решении задач, поставленных в диссертации, применялись теоретические и экспериментальные методы исследования. В процессе исследования были применены методы технологии ткачества, текстильного материаловедения, теоретической механики и прикладной математики, а также средства компьютерного программного обеспечения.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

выявлено зависимость неравномерности пряжи от угла направления рельефа цилиндров вытяжного устройства и разработана новая конструкция цилиндра вытяжного устройства ленточной машины RSB-D-40;

достигнуто снижение неровноты нитей на 30 % за счёт совершенствования цилиндров вытяжного прибора;

научно обосновано зависимость поперечная плотность ткани, уработка нитей ткани, толщины ткани костюмного назначения от диаметра пряжи после формирования ткани;

